Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 62 (9.254) 1999 йил 31 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 май куни Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбоевни қабул қилди.

◆ Ўзаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси ўз ишини якунлади. Икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлигидаги расмий делегациялар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида транспорт коммуникацияси, божхона, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонини амалга ошириш тадбирлари кўзда тутилган.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналарнинг банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг 14-сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган банкротлик ҳолати ва хўжалик судлари фаолиятини жадаллаштириш муаммолари кўриб чиқилди.

◆ Бухоро вилояти пиллакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 2 минг тоннадан зиёд пилла топширилди.

◆ Пойтахтимизнинг Миробод туманида «Йил тарбиячиси — 99» кўрик-танлови якунланди.

◆ Ўзбекистон давлат санъат музейида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Алишер Мирзаев таваллудининг 50 йиллигига бағишланган шахсий кўргазма очилди.

◆ Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмалар залида 1 июнь соат 17.00 да Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси Акмал Нуриддиновнинг шахсий кўргазмаси очилади.

### ЖАҲОНДА

◆ Ғарбнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари орқали собиқ Югославия бўйича халқаро трибуналдаги ўзи номаълум бўлиб қолишни истаган манбадан Югославия Президенти Слободан Милошевични ҳарбий жиноятчи деб эълон қилиш ва уни ҳибсга олиш ҳақидаги ордерга имзо чекилганлиги ҳақида хабар тарқалди.

◆ БМТнинг халқаро суди Слободан Милошевични Косоводаги ҳарбий жиноятларни амалга оширганликда айбламоқда.

◆ Ҳудудий баҳсларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган украин-румин музокараларида жиддий силжишга эришилмади. Бу ҳақда Украина Президенти Леонид Кучма Руминия Президенти Эмил Константинеску билан Киевда олиб борган музокараларидан сўнг шундай баёнот берди.

◆ Германия пойтахтида учинчи халқаро газчилар конференцияси ниҳоясига етди.

◆ Жазоирда диний экстремистик ва хавфсизлик кучларининг тўқнашуви натижасида икки кун давомида 14 киши ҳалок бўлди.

◆ Япониянинг Фукушима вилоятида «Фукушима — Ўзбекистон» маданий ва иқтисодий тажриба алмашиш уюшмасининг ташкил этилганига 20 йил тўлиши муносабати билан ушбу жамоа ташкилотининг 7-конференцияси бўлиб ўтди.

◆ Россия чегарачилари Афғонистондан Тожикистон ҳудудига олиб ўтилаётган 16 килограмм героинни ушлаб қолдилар.

◆ Курд жангариларининг ҳужумидан хавфсираган чет эл туристларининг кескин камайиши натижасида Туркия февраль ойининг бошидан бери 2 миллиардга яқин зарар кўрди.

◆ Хитой Халқ Республикаси тарихида биринчи маротаба хитойлик мутахассислар Арктикадаги Шимолий қутбга экспедиция уюштириш ниятида. Хабарларга қараганда, экспедиция таркибида 50 нафар олим ва 20 нафар журналист бўлиб, улар шу йилнинг 1 июлида Шанхайдан Шимолий қутбга томон йўл олишади.

*Муносабат*

## МУДҲИШ ВОҚЕА

***Тожикистоннинг Қоратегин водийсидаги Жара қишлоғида содир этилган мудҳиш воқеа ҳамон «Оқшом»хонларни тўлқинлантириб турибди. Шу муносабат билан улардан таҳририятимизга кўплаб хат-хабарлар келмоқда.***

Жангари — Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний гуруҳлари ўртасидаги зиддият ва унинг оқибатида 18 кишининг ваҳшиёна ўлдирилиши қалбимизни чуқур қайғуга солиб, кўп нарсаларни ўйлашга мажбур этди.

Ахир ўша гуруҳлардаги ватандошларимиз экстремистик руҳдаги тўдаларга аъзо бўлиб, мусофирчиликда мухолифатда юрмасдан ўз бола-чақалари, яқинлари бағрида тинч меҳнат қилиб юрганларида бундай қонли фожиалар ҳам рўй бермаган бўларди. Зеро, Тожикистондаги доимий нотинчликлар, маҳаллий мухолифатнинг кучайиб, тизгиндан чиқиб кетишига ҳам худди шундай экстремистик кучларнинг бир вақтлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабаб бўлган.

Биз тинчликсевар инсонлар, бундай ҳунрезликларни кескин қоралаймиз.

*Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ,*
*«Тошкентмебель» акциядорлик жамияти ишчиси.*

## ЯНА БИР САБОҚ

Ўз она халқига, ватанига хиёнат қилган ватанфурушларнинг аҳволи ҳамиша фожиали тугаган. Кўпнинг лаънатига учраган бу инсонлар бошқаларни ҳам йўлдан оздириб, ўзларининг бемаъни ғоялари, хатти-ҳаракатларига ишонтириб, натижада эл-юрт орасида катта йўқотишларга сабаб бўлишган. Қўшни республикаларда содир бўлаётган мудҳиш воқеалар, 16 февраль воқеалари бизни ҳамиша бирдамликка, огоҳликка чорлаб туради. Яқинда Тожикистоннинг Гарм туманида юз берган фожиа ҳам радикал ислом оқимларига билмасдан кириб қолганлар учун яна бир катта сабоқ бўлди.

*Тўрамурод БОБОНАЗАРОВ,*
*Бектемир туманидаги «Маърифат» маҳалласи оқсоқоли.*

*Тошкент шаҳар ҳокимиятида*

## САНАЦИЯ — МУҲИМ ТАДБИР

Рақобатбардош маҳсулотлар чиқара олмай, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарнинг бора-бора банкротликка учраб, синиши бозор иқтисодиётининг муҳим қонуниятларидандир. Ҳозирги ўтиш даврида кўпчилик корхоналар тажрибасизлик, бозор муносабатлари шарт-шароитларида ишлаш кўникмасининг етишмаслиги, янгича шароитларда фаолият юритиш билан боғлиқ ҳуқуқий, молиявий ва бошқа билимларни пухта ўзлаштира олмаслик оқибатида шундай банкротликка учраётганлари табиий.

Республика ҳукумати, шахсан Президентимиз, шуни назарда тутиб, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга инқироздан чиқиб олиш учун амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганидан кейин шундай корхоналарда юз берган иқтисодий қийинчиликлар сабабларини ўрганиш, аҳволни ўзгартириш мумкин бўлган ишлаб чиқариш жамоаларини санация қилиш орқали оёққа турғазиш ишларига жиддий эътибор берилиши йўлга қўйилди.

Пойтахт ҳокимияти, шаҳардаги туман ҳокимликларида ҳам корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича махсус комиссиялар иш олиб бормоқда. Ушбу комиссияларнинг ёрдамида иқтисодий ночор корхоналарга ўз вақтида кўмак бериш орқали уларни банкротликдан сақлаб қолишга эришилмоқда. Пойтахт ҳокимлиги яқинда қабул қилган «Корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг иши тўғрисида»ги қарори айнан шу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш, банкротликнинг олдини олиш ва санациялашнинг моҳиятини оширишга қаратилган.

Қарорда, жумладан, Тошкент шаҳар иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармасига статистика бош бошқармаси ва солиқ бош бошқармаси билан биргаликда шаҳар ҳудудида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни ҳамда корхоналар ўртасидаги ўзаро қарзларни олти ой мобайнида бартараф этмаган корхоналарни аниқлаб, уларнинг молиявий аҳволини тартибга солишда кўриладиган чора-тадбирлар бўйича юқоридаги комиссияга ҳар ойда таклифлар киритиш вазифаси юкланди. Шунингдек, корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг таркиби ҳамда мазкур комиссиянинг иш режаси тасдиқланди.

*Спорт ● Спорт ● Спорт*





*Осиё чемпионати*

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ҚИТЪАДА БИРИНЧИ

***Ўтган шанба-якшанба кунлари «Юнусобод» спорт мажмуасида ўтказилаётган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича XIII Осиё чемпионатида ғолиблар аниқланди.***

Аввал эркин курашчиларимизнинг юксак зафарлари тўғрисида хабар бергандик. Албатта, юнон-рум кураши бўйича рақибларимиз янада кучлироқ, демак ғалаба қозониш бирмунча мураккаброқ эди. Бироқ бош мураббий — хизмат кўрсатган спорт устаси Комил Фаткуллин етакчилигидаги терма жамоамиз аъзолари ушбу тур бўйича умумжамоа ҳисобида устун келиш учун бор куч-маҳоратларини сарфладилар.

Гилам устидаги беллашувлар шунчалик шиддатли ва муросасиз кечдики, ҳатто Юрий Мельниченко, Бахтиёр Бейсеитов каби қозоғистонлик олимпия ва жаҳон чемпионатлари ғолиблари ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой ололмадилар. Саккизта вазн тоифасидан олтитасида юнон-рум кураши усталаримизнинг финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлари эса бизнинг катта ютуғимиз бўлди.

**КЕЧА**

юртимиздаги барча спорт ишқибозлари ҳал қилувчи баҳсларнинг гувоҳи бўлишди.

Дастлаб беллашувни 54 килограммлилар ўртасида Сим Кван Хо (Корея) ва ҳамюртимиз Шамсиддин Худойбердиевлар бошлаб беришди. Кореялик рақиб жуда кучли — икки карра жаҳон ва Атланта олимпиадаси чемпиони бўлсада, гиламда муросасиз кураш кечди. Озгина устунликка эришиб 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган Сим Кван Хо шарафига Корея давлат мадҳияси янгради.

Энг қизиқ баҳс, шубҳасиз 58 килограммлилар ўртасидаги финал учрашуви бўлди десак янглишмаймиз. Зеро гиламга тушган Ким Ин Саб (Корея) ўтган йили жаҳон ва Осиё чемпиони унвонларини қўлга киритган бўлса, унинг рақиби Юрий Мельниченко (Қозоғистон) икки карра жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони ва Атланта олимпиадаси ғолиби эди.

Шундай бўлса-да, ушбу учрашувда кутилмаганда 5:0 ҳисобида ғалаба қозонган кореялик спортчи Осиё чемпиони шарафли унвонига сазовор бўлди. Шу вазнда ҳамюртимиз Дилшод Ориповга бронза нишони насиб этди.

63 килограмм вазнда Мхитар Манукян (Қозоғистон) ўзбекистонлик Баҳодир Қурбоновни енгиб, чемпион бўлди.

69 ва 76 килограмм вазнларда эса ўзбекистонлик Руслан Биктяков ва Юрий Виттлар кореялик Сон Санг Пил ва Ким Жин Суларга рўпара келишди. Жуда кескин учрашувлар натижасида 6:5 ва 4:3 ҳисобида устун келган рақибларимиз Осиё чемпионлигини қўлга киритишди.

Кейинги вазнда беш карра Ўзбекистон чемпиони Зафархон Очилов Р.Санатбоев (Қирғизистон)га ютқазиб қўйган бўлса, 97 килограммлилар ўртасида Сергей Матвиенко (Қозоғистон)га тенг келадиганлар топилмади.

Энди энг оғир вазнда умидимиз 29 ёшли халқаро тоифадаги спорт устаси, ҳамюртимиз Шуҳрат Саъдиевдан эди. Эрон чемпиони Али Ризо Гарибий билан беллашган Шуҳрат 2 дақиқаю 51 сония муддат ичида рақибини даст кўтариб ерга урган ҳолда соф ғалабага эришиб, қитъа чемпиони бўлди.

Битта олтин, бешта кумуш ва битта бронза нишонларини қўлга киритган юнон -рум курашчиларимиз бу спорт тури бўйича ҳам умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Кореяликлар иккинчи, Қозоғистон вакиллари учинчи бўлишди.

**КЕЧА**

шунингдек, аёллар ўртасида эркин кураш бўйича ҳам финал баҳслари бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик биронта ҳам спортчи совринли ўринларни эгаллай олмагани бу борада ҳали кўп ишлар қилишимиз лозимлигини кўрсатади. Ушбу спорт тури бўйича бешта олтин нишонларни қўлга киритган япон спортчиларига тенг келадиганлар топилмади. Кунчиқар мамлакатнинг яна бир спортчисини енгган Хитой тайпейлик Шалинг Лига ягона олтин медаль насиб этди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари махсус кубоклар, олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан тақдирланди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Осиё чемпионатининг муросасиз баҳслари.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Волейбол*

## «МИКАСА» КУБОГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИЗЛАРДА

***Газетамизнинг ўтган сонларида волейболчи қизларимизнинг турнирдаги дастлабки иккита ғалабаси тўғрисида хабар бергандик. Шанба куни россиялик қизлар японларни, СКИФ жамоамиз эса «Иртиш Стикс» (Қозоғистон)ни 3:0 ҳисобида енгди.***

**КЕЧА**

дастлабки ўйинда россиялик қизлар 3:1 ҳисобида қирғизистонлик волейболчилардан устун келганидан сўнг Канойедаги миллий спорт институти (Япония) ва СКИФ (Тошкент) ўртасидаги турнирнинг охирги учрашуви «Микаса» кубоги соҳибини аниқлаши маълум бўлиб қолди.

Дастлабки партия жуда муросасиз бошланганини 3:3, 5:5, 7:7, 10:10 ҳисоби ҳам яққол исботлаб турибди. Бироқ японлар Татьяна Величко, Ольга Хўжаева каби тезкор ўйинчиларимизнинг шиддатли зарбаларига дош беролмадилар — биринчи партияда қизларимиз 25:23 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Кейинги партияларда ҳам 25:22 ва 25:14 ҳисобларида зафар қучган ҳамшаҳарларимиз турнирдаги қаторасига тўртинчи ғалабага эришиб, «Микаса» кубоги ҳамда олтин нишонларни қўлга киритдилар. Россиялик қизлар иккинчи, япониялик волейболчилар эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Екатерина Лобанова (Россия) мусобақанинг энг яхши ҳужумчиси, Ольга Хўжаева (Ўзбекистон) энг яхши ўйинчи, япониялик Сейка Кубота «Мисс-Микаса — 99», яъни турнир гўзали деб топилиб, махсус совринлар билан тақдирланишди.

Ўзбекистон Республикаси волейбол федерацияси Президенти Лерик Аҳметов ғолиб жамоаларга махсус кубоклар ва медалларни топширди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов, Миллий олимпия қўмитаси Президенти Собир Рўзиевлар ҳам жамоаларни махсус совринлар ва дипломлар билан тақдирлашди.

«Микаса» Кубоги якунларига кўра беллашувларни энг яхши ёритган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон телевидениесининг спорт шарҳловчиси Рихситилла Умаров энг яхши шарҳловчи, «Правда Востока» газетаси суратчиси Леонид Гусейнов энг яхши сураткаш, газетамиз мухбири Дилшод Исроилов эса турнирни ёритган энг яхши журналист деб топилиб, уларга мусобақа рамзи туширилган махсус совринлар топширилди.

*Ўз мухбиримиз.*

*СУРАТЛАРДА: «Микаса» Кубоги турниридан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*






*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида*

## АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

***Тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Етти йил ичида иқтисодиётни, жамиятнинг ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш, ўзгаришлар ортга қайтариб бўлмас жараёнга айланди. Биз буни тўла ишонч билан айта оламиз.***

**Ислом КАРИМОВ**

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги тарихий маърузаларида мамлакатимизнинг мустақиллик шароитидаги етти йиллик фаолиятига якун ясалди. Унда баён қилинган фикрлар жамиятимиз аъзолари қалбидан чуқур жой олди, ҳаммамизни янги билимлар ва тажриба билан бойитди. Мазкур маъруза ўтган етти йил давомида эришилган натижаларни чуқур таҳлил этибгина қолмай, янги аср бўсағасида ва учинчи минг йиллик бошларида қилинажак ишларнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди, истиқболимизнинг ёрқин қирралари кўз ўнгимизда янада равшанроқ намоён бўлди.

Етти йил... Тарих учун лаҳзага тенг бу йиллар чиндан ҳам қуллик кишанларидан, асоратидан озод бўлган халқ қандай мўъжизаларга қодир эканлигини дунё кўз ўнгида намойиш этди. Айниқса, «Қизил империя»дан бизга қолган ўша аянчли мерос — бир ёқлама, хом ашё етиштиришга йўналтирилган, ҳамма нарсада Марказга қарам қилиб қўйилган иқтисодиётимиз фонида эришилган натижалар салмоғи янада юксакроқ ва залворлироқ кўринади.

Пахта якка ҳокимлигига барҳам берилишининг ўзи иқтисодиётимиз қиёфасини нақадар ўзгартириб юборгани бугун ҳаммага аён. Ўн йилликлар мобайнида бир қарич ер ололмаган деҳқон хўжаликларига серҳосил, суғориладиган ерлардан 800 минг гектардан ортиқроқ ерлар бўлиб берилди. Эндиликда қишлоқларимизда бир нечалаб оилалар сиқилиб-қимтиниб яшаб келган хонадонлар ўрнида юз минглаб деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди. Улар ўз томорқаларида халқимизга мўл-кўл ризқ-рўз етказиб беришяпти.

Эски жамоа ва давлат хўжаликлари ўрнида пайдо бўлган ширкатлар, пайчилик хўжаликлари ва фермерлик хўжаликларида ўз улушига эга бўлган янги мулкдорлар тобора самаралироқ меҳнат қилишяпти. Натижа эса аниқ — бир неча йилдаёқ республикамиз ғалла мустақиллигига эришди. Ернинг ҳақиқий эгалари пайдо бўлиши билан деҳқончиликнинг барча соҳалари, айниқса, пахтачиликка янги замонавий технологиялар, энг илғор агротехника усуллари жорий этилмоқда. Далаларимизда жаҳонда энг қудратли ва серунум ҳисобланган қишлоқ хўжалик техникалари жавлон ура бошлади.

Автомобиль саноатига эга бўлган жаҳоннинг 27 мамлакати қаторидан мустақил Ўзбекистонимиз ҳам ўрин олганлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди! Фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига асосланган Асакадаги замонавий автомобиль заводимиз қаторига бу йил Самарқанддаги кичик автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи қўшма корхонанинг қўшилиши ҳам нур устига нур бўлди. Чехия компаниялари билан ҳамкорликда яна бир автомобиль саноати корхонасига асос солинмоқда.

Самолётсозликдаги янги йўналишлар, энг илғор технологияларга асосланган қишлоқ хўжалик машинасозлиги қайтадан барпо этилаётгани — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон яқин келажакда юксак ривожланган ўз индустриясига эга бўлишидан далолатдир.

Қисқа вақт ичида мамлакатимиз ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришди. Бу ҳам айтишга осон. Аммо бунда ҳам озод халқ иродасининг буюк қудрати тимсолини кўрамиз. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожланяпти. Чунончи, пахтани қайта ишлашни тайёр маҳсулот даражасигача кўтариш борасидаги ишларимиз ғоят салмоқли.

Хўш, буларнинг ҳаммасига қандай эришилди? Истиқлол туфайли, деб бир сўз билан жавоб бериш мумкин. Тўғри, ҳақиқатан шундай. Айни пайтда Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда халқимизнинг тарихий анъаналари, турмуш тарзи ва орзу-интилишларини ҳисобга олувчи тараққиётнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилгани ва унинг изчил амалга ошириб келинаётгани шундай улкан муваффақиятлар омили бўлганлигини ҳам айтмаслик мумкин эмас. Мана шу омил ҳал қилувчи роль ўйнаганини ва унинг ижодкори, илҳомлантирувчи ва бошқарувчи кучи энг аввало республикамиз Президенти ва унинг раҳбарлигидаги ҳукумат бўлганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Энг бошидан тўғри йўл танлангани, иқтисодиётнинг сиёсатдан ҳоли эркин ривожланиши учун кенг шароит яратилгани, иқтисодий ислоҳотлар вазминлик билан босқичма-босқич амалга оширилгани натижаларини бугун бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Бизнинг муваффақиятларимиз замирида Юртбошимизнинг чуқур инсонпарварлик сиёсати ётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бу ҳам эришилган улуғвор натижаларимизнинг асосий омили дейиш мумкин. «Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун!» — Бу ҳикматли иборани Президентимиз ҳамиша такрорлаб келадилар ва у оддий шиордангина иборат бўлмай, ҳамиша амалий ифодасини топиб келаётганининг ҳам гувоҳимиз. Кучли ижтимоий сиёсат, яъни аҳоли кам таъминланган қисмини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, одамлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари имкониятлар кенгайиши билан йил сайин кучайиб бормоқда. Биргина мисол — 1999 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиявий таъминлашга 282 миллиард сўм ажратилган. Бу умумий харажатларнинг 47 фоизини ташкил этиб, ўтган йилдагидан 37 фоиз кўп. Бундай рақамларни яқин ўтмишда фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос. Ҳозир ҳам бундай кўрсаткичлар собиқ Иттифоқнинг кўп мамлакатлари учун етишиш қийин бўлган орзугина холос.

Шуни айтиш керакки, халқимиз бу ўзгаришларни кўриб, қалбан ҳис этиб, унга муносиб жавоб беришга интиляпти. Мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик, бирдамлик, Президентимиз теварагидаги жипслик бунинг ёрқин далилидир. Шунга мувофиқ равишда кенг аҳоли табақалари ижтимоий фаоллиги кун сайин ошмоқда, ҳаётимизни янгилаш зарурлиги, буюк келажагимизга халқимизнинг қатъий ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Бир сўз билан айтганда озодлик нашидасидан баҳра олган халқимиз бугунги кунда XXI аср сари шахдам қадамлар ва қатъий ишонч билан олға бормоқда.

*Тошкентда биринчи маротаба 1999 йилнинг 5—13 июнь кунлари пойтахтнинг «Динамо» спорт мажмуаси теннис кортларида аёллар ўртасида TASHKENT — OPEN халқаро турнири ўтказилади.*

**1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни**

# БАХТИЁРЛИК АКСИ

ЭРТАГА

***республикамизда Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни кенг миқёсда нишонланади. Шу муносабат билан биз «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Гулнора Юнусхўжаева билан жамғарма томонидан амалга ошириладиган ишлар кўлами, болаларга кўрсатиладиган ғамхўрликлар хусусида суҳбатлашдик.***



— 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига жамғарма ҳамда жамғарманинг туман бўлимлари томонидан алоҳида тайёргарлик кўрилди, — деди Гулнора Юнусхўжаева. — Режа бўйича байрам тантаналари айнан 1 июнь куни эмас, балки аввалроқ 28 майдан бошлаб юборилди. Унда шаҳримиз туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли ўғил-қизлари учун Йўлдош Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрида «Болалар шоу» спектакли намойиш этилади. Бу билан кам таъминланган оилалар иқтидорли фарзандларининг озми-кўпми ўз истеъдодларини намойиш этишларига имконият яратилади.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида байрам дастурлари уюштирилиб, мактабгача тарбия муассасаларида «Соғломжон — полвонжон» саломатлик спорт мусобақаси ўтказилади. Барча қатнашчилар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда яқинлари васийлигида қолган болаларга турли совғалар, хусусан, кийим-кечак, ўқув қуроллари ҳадя этилади.

Бугунда мамлакатимизда ўғил-қизларнинг нафақат жисмоний етуклигига, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлиб етишишларига аҳамият берилмоқда. Шу боисдан, Ҳиндистон маданият маркази билан биргаликда маданият марказида барча тумандаги болаларга Ҳиндистон маданиятини ўрганишга бағишланган байрам тадбири ўтказилади. Ўзга халқлар маданиятига ҳурмат билан қарашни, улардаги уйғунликни кашф этишларида муҳим ўрин тутувчи ушбу тантанада болалар ҳинд куй-қўшиқларини, рақсларини тинглаб томоша қилиш билан бир қаторда ўз истеъдод ва маҳоратларини ҳам намоён этадилар.

Жамғарма орқали амалга ошириладиган тадбир ҳамда анжуманларда шубҳасиз болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг шодлигу шўхликлари ўз аксини топади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ҳам «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт», деб бежиз таъкидламаганлар.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА ёзиб олди.*
*Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.*

***Бола кулса — олам кулади, дейишади. Чиндан ҳам болалар шодлиги нафақат оналар, балки олам шодлигидир. Бугун беғубор болалик гаштини сураётган, кўзлари ва сўзлари чақнаётган, дилидаги орзуларини болаларча соддалик билан бир-бирига баён этаётган жажжилар Бектемир туманидаги 580-болалар боғчасида, меҳрибон мураббийлар қўлида тарбияланадилар.***

# БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Аёллар йили ва 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни муносабати билан ушбу боғчада ўтказилган «Ўзбекистонлик болалар — чет эллик дугоналар нигоҳида» тадбири кичкинтойларга бир олам қувонч бахш этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик хориж хизмат бошқармаси ҳамда Бектемир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Болалар боғчасидаги жажжилар ҳаёти билан танишиш, улар билан суҳбатлашиш ниятида бу ерга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчиларининг рафиқалари ташриф буюришди.

Ушбу тарбия масканида 280 дан зиёд кичкинтойлар соғлом ва баркамол ўсишлари учун барча шарт-шароитларнинг мавжудлиги, болаларнинг онгига ёшлигидан миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз сингдириб борилаётгани, шу билан бирга уларнинг хорижлик болаларнинг ҳаёти билан қизиқишлари меҳмонларни мамнун этди.

— Аёллари ҳамда болалари эъзозда бўлган юртнинг келажаги порлоқдир, — дейди Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик хориж хизмат бошқармаси масъул ходими Мавжуда Назарова. — Чет эллик дугоналаримиз болажонларимиз юзида порлаган севинчни кўриб ҳаяжонга тушишди. Чунки уларнинг барчаси ўз фарзандларининг меҳрибон оналари, қалбларида волидалик меҳри мужассам. Тадбирнинг асосий мақсади эса Мустақил Ўзбекистонимиз болажонларининг бахтиёр болаликларини жаҳонга кўз-кўз қилишдир.

— Болалар билан бирга бўлиш, — дейди Молдова давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси рафиқаси Надежда Осмокеску, — ҳар қандай одамга беғубор болалик даврини эслатади. Қандай ажойиб кичкинтойлар — булар. Юртингизда аёллар ва болаларга берилаётган эътибор ҳавас қилса арзирликдир. Зеро, аёллар ва болалар ҳар қандай мамлакатнинг келажагидир.

Боғчага ташриф буюрган меҳмонлар ўзларининг яхши дил истаклари ва қимматбаҳо совғаларини болаларга тақдим этдилар. Жажжилар ижро этган қувноқ қўшиқлар, дилрабо рақслар меҳмонларни ҳам давраға чорлади.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

*Холмат Мирзакаримов олган сурат.*

***Аёллар йили муносабати билан йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 декабрдаги Ф-919-сонли фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги 73-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган Аёллар манфаатларини таъминлаш борасида 1999 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлари Тошкент шаҳар ҳудудий Дастури тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мана шу қарор асосида еттита бўлим ташкил этилиб, уларга алоҳида вазифалар белгилаб қўйилганди. Бугунги кунда бу бўлимлар ўз тизимлари билан фаол иш юритишаётир.***

***Дастурнинг бажарилиши ва амалга ошириладиган ишлар хусусида «Иқтисодий ўзгаришлар ва ислоҳотларда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш» номли 6-бўлим назорат қилиш комиссияси раҳбари, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев билан суҳбатда бўлдик.***

**1999 — Аёллар йили**

# ТАДБИРКОРЛИК ДАСТУРИМИЗДАН ЎРИН ОЛГАН

**— Анвар Валижонович, шаҳримиздаги аёлларимизнинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни ва роли ҳақида тўхталсангиз.**

— Аёлларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш ва уларнинг фуқаролик, ижтимоий, моддий ва умуминсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар Ҳокимлиги томонидан аёллар манфаатларини таъминлаш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирлар дастури қабул қилинди. Дастур аёлларнинг манфаатларини амалий тарзда ҳимоя қилиш борасида кенг кўламдаги масалаларни ўзига қамраб олган. Яъни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим, жисмоний тарбия ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жамиятнинг маънавий ва демократик жиҳатдан янгиланишида, давлат, ижтимоий ва маданий қурилишда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг ролини кўтариш, оилада маънавий муҳитни шакллантиришда аёлларнинг роли ва ўрнини кучайтириш, болалар тарбияси учун шароит яратиш, оилада моддий-маиший шароитларни ошириш, аёлларни иқтисодий ўзгаришлар ва ислоҳотлар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда қатнашишига кенг жалб этиш каби юмушлар ўрин олган.

Ушбу дастурни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳларнинг бири сифатида аёлларни иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳотлар ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалаларига аниқроқ ва батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ташаббус-98» республика танлови доирасида 1999 йилнинг март ойида ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Унда қатнашганларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этди. Танлов давомида «Энг яхши тадбиркор аёл» ва «Энг яхши ҳунарманд аёл» совринлари таъсис этилди. Ушбу танлов натижасида «Тадбиркор аёл» деб номланувчи ва тадбиркор аёлнинг бутун қирраларини намоён этувчи алоҳида танловни ўтказиш ғояси туғилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмасининг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ушбу танловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

**— Айрим аёлларимиз қўшимча иш қилиш мақсадида ёки ёшларга ҳунар ўргатиш борасида ғайратлари жўшиб туради. Ана шундай аёлларга қандай имкониятлар яратилмоқда?**

— Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ишламаётган аёллар, юқори синфда ўқиётган қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида туман хотин-қизлар қўмиталари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, ижтимоий-таъминот бўлимлари, меҳнат биржалари томонидан бевосита учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ўтказилмоқда. Ҳозиргача шундай учрашувлар Акмал Икромов, Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманларида бўлиб ўтди. Бундай мулоқотлар юқори тоифадаги аёлларга бозор муносабатлари шароитларида тўғри йўналиш топишга кўмаклашмоқда. 1999 йили Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг ўқув марказида умумий миқдорда 4 минг нафар бўлган аёлларнинг 2800 тасини ўқитиш режалаштирилган. Жорий йилнинг шу даврига қадар 16 та мутахассислик бўйича 597 та аёл таълим олди ва олмоқда. Улар асосан тикувчи, котиба-референт, ҳисобчи, косметолог, сартарош ва ЭҲМ оператори ихтисосликларини ўзлаштирмоқдалар. Шунингдек, аёлларни менеджер, маркетолог ва шу каби янги мутахассисликларга ўргатиш режалаштирилмоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланган аёллар учун эса туманларда ахборот маслаҳат хизматлари ва назорат қилувчи органлар иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда.

**— Биринчи навбатда амалга оширилиши лозим деб, қандай режаларни белгилагансизлар?**

— Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида тадбиркор аёллар уюшмаси шаҳар бўлими иштирокида ташкил этилган «Тадбиркор аёл» бирлашмаси томонидан «Тадбиркор аёлга ёрдам сифатида» китобчасини нашрга тайёрлаш ишлари кетмоқда. Аёллар йили Давлат дастурини амалга оширишга оммавий ахборот воситаларида катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, тадбиркор аёллар муаммолари тўғрисидаги материаллар «Менеджер», «ПресТИЖ», «Тижорат», «Саида» журналларида, «Шарқ тижорат воситаси» «БВВ», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Халқ сўзи» газеталарида кенг ёритилмоқда.

Шу билан барча аёлларимизнинг ҳозирги кунда, иқтисодий ривожланиши тобора ўсиб бораётган даврда, эришаётган ютуқлари, тадбиркорлик фаолиятларини қамраб олган кенг жабҳаларини янада кенгроқ ёритиш ва амалда кўрсатиш мақсадида шаҳримиз кўчаларида ижтимоий ташқи рекламалар ўрнатилган. Ўйлаймизки, серқуёш Ўзбекистонга, шаҳримизга меҳмон бўлиб келган барча сайёҳлар ҳам, ушбу рекламалардан ҳам аёлларимизнинг жамиятимизда юқори ўрин тутганлигини, тадбиркорликда эришаётган ютуқларини, она ва болалик манфаатлари давлатимиз томонидан ҳимояланганлигига исбот топади.

*Дилшод ИСРОИЛОВ,*
*Гулзода МАМБЕТОВА,*
*«Тошкент оқшоми» мухбирлари.*

**Сўранг, жавоб берамиз**

# ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ

***Ҳурматли таҳририят:***
***Бугунги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида шартномалар тузиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Илтимос, шу ҳақда мутахассис шарҳини ёритсангиз.***

***Фурқат ЖАББОРОВ, тадбиркор.***

**— Шартномада асосан нималар акс эттирилиши керак?**

— Шартномада унинг номи, предмети, етказиб бериладиган товар (иш хизмат)нинг микдори, сифати, ассортименти ва баҳоси, бажариш муддати, амал қилиш муддати, ҳисоб-китоб шакллари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида тарафларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, тарафларнинг реквизитлари, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, тартиби, оқибатлари кўрсатилиши лозим.

**— Шартноманинг шакли ва тузилиш жойи?**

— Шартнома ёзма шаклда тузилади. Сукут сақлаш акцепт бўлмайди, конклюдент ҳаракатлар (офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари, яъни товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш (акцепт бўлиши мумкин). Шартнома корхона юридик хизмат ходими (ёки адвокат)нинг визасисиз ҳуқуқий тусга эга эмас. Энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ортиқ суммага тузилган шартномалар юридик хизмат ходими (ёки адвокат)нинг ёзма хулосасидан кейин тузилади.

Гарчи шартнома оферта юборилган жойда тузилиши лозим бўлса-да, контрактация шартномалари қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Шунингдек, бу шартномада бўнак (аванс) тўловлари назарда тутилиши лозим.

**— Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида тарафларнинг мулкий жавобгарлиги қандай?**

— Аввало, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат усуллари билан таъминланади. Бунга кўра:

— товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилган ҳолларда товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида жарима тўлайди;

— етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) тегишли шартларга жавоб бермаса, сотиб олувчи товар (ишлар, хизматлар)ларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ҳақ тўланган бўлса, уни белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, тарафлар бут бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун, товарларни марка белгисисиз, идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун, аккредитивдан фойдаланмаганлик учун, тўлов, товарларни танлаб олмаслик ёки уни тўламаганлик, маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун жавобгарликнинг турли шакллари белгиланган.

**— Шартнома мажбуриятларини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатлари?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси;

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекс;

— «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун;

— «Концессия шартномалари тўғрисида»ги қонун;

— «Халқаро шартномалар тўғрисидаги» қонун;

— «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун»;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва ҳоказо.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда икки тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлақонли суръатда шартнома орқалигина юзага чиқар экан. Демак, шартномага, аниқроғи, шартнома интизомига оғишмай риоя этишимиз даркор. Шундагина манфаат ва масъулият бирлигини таъминлаган, юртимизда товарлар, хизматлар, капиталларнинг мўл-кўллигига, моддий ва маънавий манфаатдорликка, пировардида Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашига хизмат қилган бўлурдик.

*Миродил БАРАТОВ, ҳуқуқшунос.*

**Қурилиш**

# БУЮРТМАЛАР КЎПАЙЯПТИ

***Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган «Ҳакимжон хожи» хусусий корхонасида қурилиш учун зарур маҳсулотлар — гипс, албастр, қурилиш шпаклёвкаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.***

— Хусусий корхонамизда 7 киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбари Суннатулла Рисқиев. — Ташкил этилганимизга 3 йил бўлган бўлса, маҳсулот турлари ва сифатига эътибор қаратмоқдамиз. Шу боис ҳам маҳсулотларимизга буюртмалар сони ортиб бормоқда. Биз, албатта, пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулотларимиз турларини кўпайтириш, қурилиш учун керакли хом ашё тайёрлаш мақсадида чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этиш ниятимиз бор.

Шунингдек, хусусий корхона жамоаси ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириб, чет элга ҳам сотиш йўлида изланмоқдалар.

Пойтахтимиздаги иморатларнинг жадаллик билан қад ростлашида хусусий корхона мутахассисларининг ҳиссаси каттадир.

*Дилфуза ҒОФУРОВА.*

**Танловлар**

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МАҚОМДА МУЖАССАМ

***Юнус Ражабий номли V Республика мақом ижрочилари танлови ўз ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан мақом жанри бўйича санъат истеъдодлари иштирок этишди. Танлов ҳакамлари ҳайъатининг хулосасига кўра Тошкент Давлат консерваториясидан Комил Мўминов, Фарғона мусиқа билим юртидан Мирзоҳид Аъзамов, Тошкент Давлат консерваториясидан Зебохон Юсупова, Бухоро мусиқа билим юртидан Малоҳат Раҳматова, Ҳамза номли мусиқа билим юрти чолғучилар ансамбли, Тошкент давлат консерваторияси созандалар ансамбли танловнинг 1 даражали диплом ва совриндорлик нишони билан тақдирландилар. Бундан ташқари бир қанча иштирокчилар иккинчи ва учинчи даражали ва совриндорлик нишонлари, шунингдек «Умид» соврини билан тақдирландилар.***

Ушбу кўрик-танлов ҳақида Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг мақом ижрочилиги кафедрасининг доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова қуйидагича фикр билдирди:

— «Мақом» миллий мусиқа санъатининг кўрки ва асосий негизидир. Чунки мақомнинг ҳар бир таронасида, шўъбаларда «қашқарча»ми, «соқинома»ми ҳаммаси чалинганда диллар яйрайди, она алласини эшитаётгандек ҳузурланасан. Ҳозирги кунга қадар Дони Зокировнинг «Эй сабо», Комилжон Жабборовнинг «Бу кўнгил», «Этмасмидим», Фахриддин Содиқовнинг «Севгилим», «Бир гўзал» каби сон-саноқсиз мумтоз куйлари асосида айтилган қўшиқларни элимиз оғзидан туширмайди. Чунки мақом ўлмас куйлардир. Мақом жанрини тўплаб 6 томлик китоб шаклига келтирган отахон санъаткорларимиз академик Юнус Ражабийнинг халқимиз ижодиётига қўшган ҳиссаси бебаҳо дурдона эканлигини тил билан айтиб адо қилолмайсан, сабаб — устознинг халқ оғзаки ижодида терма ва яллалар яратилиши буюк бир меросимизга айланди.

Гоҳида ёшларимизнинг хорижий мусиқаларга қўшиқ айтаётганини кўриб, ўзимизнинг мақомдек миллийлигимизни кўрсатиб турувчи бой ижодиётимиз бўлса, енгил-елпи ўзга миллат мусиқасига ўзбекча ашулаларни айтиб «Миллатим равнақи йўлида хизматдаман» деяётган санъаткорларни мен тан олмаган бўлур эдим. Авваллари ҳинд, афғон мусиқалари асосида хиром этиб юрдилар, бунга ҳам чидадик, яқинда грузинча куйга яхшигина шеърни жойлаштириб куйлаяптилар. Бундай майнавозчиликни бас қилиш керак. Ўзга юртнинг куйини ўғирламай ашула яратиш ўз халқини севган, унинг қадриятларини ҳурмат қилган санъаткорлар учун шарқона куй яратиб қўшиқ айтиш ҳеч қийин эмас.

Бугунги ўтаётган кўрик-танловнинг асосий мақсадларидан бири ўзимизнинг мусиқа ижрочилик санъатимизни бойитиш, ёшлар орасидан истеъдодларни танлаб олишдир.

*Гўзал РАҲМОНОВА ёзиб олди.*

# ТОШКЕНТДА ИЛК БОР

1999 йил 5 —13 июнь кунлари пойтахтнинг «ДИНАМО» спорт мажмуаси теннис кортларида аёллар ўртасида

«TASHKENT – OPEN»

халқаро теннис мусобақалари бўлиб ўтади.

WTA TOUR

TASHKENT OPEN

## Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини теннис байрами билан табриклаймиз!

**Турнирнинг бош ҳомийси — Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

*Ўқув машқлари*

# ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСАЛАР САРОСИМАГА СОЛМАЙДИ

***Яқинда «Радиус» дастури доирасида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ва «Тошсут» акциядорлик жамияти негизида қутқарув ишларини амалга ошириш ва зилзилаларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ўқув-команда штаб йиғинлари ва намуна ўқув-машқлари бўлиб ўтди.***

***Унинг боришини куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган мазкур лойиҳа бўйича илмий-техник ва амалий тадқиқотлар якунларига бағишланган халқаро симпозиум иштирокчилари бўлмиш Япония, Туркия ва ҳиндистонлик «Радиус» халқаро лойиҳаси экспертлари кузатдилар.***



— Шаҳар турмушини таъминлаш билан шуғулланувчи барча хизматлар иштирокидаги команда-штаб ўқув машқлари Тошкентда «Радиус» дастури доирасидаги илмий ишлар якунланганидан сўнг тадбирларнинг иккинчи босқичи сифатида режалаштирилганди, — деди биз билан суҳбатда шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромов. — Ўқув машқларини ўтказишдан асосий мақсад — хизматларимизнинг фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳолларда тайёргарлик даражаларини баҳолашдир. Ушбу ўқув машқлари учун Мирзо Улуғбек тумани танлангани ҳам бежиз эмас. Бу ишлаб чиқариш борасида ҳам, жойлашишининг умумий тузилмаси томонидан ҳам мураккаб туман бўлиб, пойтахтнинг энг сейсмик хатарли ҳудудида жойлашган.

Туманнинг 17 та хизмати раҳбарлари табиий офатлар юз берган тақдирда ва ундан кейин ўз қиладиган ҳаракатлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Бундан ташқари, туманнинг барча йирик объектларида ташкил этилган кўнгилли қутқарув шаклланмаларининг ишлари кўрсатилди. Ўқув машқлари шу куннинг ўзида Акмал Икромов туманидаги «Тошсут» акциядорлик жамияти ҳудудида давом этди.

Бу ерда ўқув машқлари дастурига кўра фавқулодда ҳодиса рўй берди — «аммиак кислотаси тўсатдан йўқолиб қолди». Ва бу тўғрида олдиндан фақат тадбир ташкилотчилари билардилар, холос...

— Туманнинг барча махсус қутқарув хизматлари бекаму-кўст ишладилар — «Тошсут» акциядорлик жамиятида ўқув машқлари ўтказилаётгани тўғрисида олдиндан огоҳлантирилмаган бўлса-да, объектга биринчи сигнал бўйича дарҳол етиб бордилар, — дейди Э. Икромов. — Уларнинг ҳаракатлари аниқ ва малакали бўлди. Шунингдек, ҳолат бўйича дарҳол тўғри йўналиш топиб, ўз мажбуриятларига мувофиқ фаолият кўрсатган ва кишиларни махсус хизматлар келгунига қадар анча олдин қутқариш борасида алоҳида фаоллик кўрсатган корхонанинг фуқаролар муҳофазаси бўйича кўнгилли отрядларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш туман хизмати билан бирга ҳодиса тўғрисидаги сигналга биринчи бўлиб Акмал Икромов туманидаги Б. Юнусов раҳбарлигидаги 8-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бригадаси ҳам етиб келди.

— «Тошсут» акциядорлик жамияти туманнинг энг йирик саноат объектларидан бири бўлиб, унда бизнинг бўлинмаларимиз режали ўқув-машғулот машқларини ўтказган, — дейди Баҳром Юнусов. — Шу сабабдан бизнинг йигитларимизга бу ерда ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган барча нуқталар маълум. Бундай ҳолатларда бизнинг зиммамизда нафақат ёнғинни ўчириш, балки заҳарли моддалар билан заҳарланишнинг олдини олиш вазифаси ҳам бўлади.

Тумандаги кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам бўлинмаси, милиция ва фавқулодда вазият ҳолларида зиммаларига асосий вазифа юкланадиган бошқа хизматлар ҳам ўз мажбуриятларига жуда яхши ёндошдилар.

— Бизда бундай тадбирларни ўтказиш бўйича етарли даражада тажриба тўпланган, — таъкидлади Э. Икромов. — Бироқ, «Радиус» ўзига хос туртки сифатида ишимизга янгича нигоҳ ташлашга, шунингдек, жамоатчилик эътиборини табиий офатлар юз берган ҳолларда ўзларини билимли тутиш муаммосига жалб этиш лозимлигини кўрсатди. Шу сабабдан эндиликда бизнинг бош вазифамиз, бу — аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини фаоллаштиришдир.

Хулоса сифатида шуни айтишни истардикки, илк бор бундай ўқув машқларида республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ва шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ ташкил этилган фавқулодда вазиятлар шаҳар бошқармасининг янги бўлинмаси бўлмиш қутқарув хизмати иштирок этди. Унинг фаолият бошлаганига атиги бир ой бўлди. Экстремал вазиятларда иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислардан шакллантирилган қутқарувчилар жамоасида ҳозирча ташкилий ўқув даври давом этмоқда.

*Илмира ЗАЙНУТДИНОВА.*

*СУРАТЛАРДА: ўқув машқларининг боришидан лавҳалар. Рашид Галиев олган суратлар.*



*Ажойиботлар*

## ЯНГИ САМОЛЁТ

Франциялик авиамуҳандислар «Хидро-2000» деб номланган янги самолёт лойиҳасини яратдилар. Самолёт йўловчилар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ғайриоддийлиги у қўнимгоҳга эмас, денгиз ёки уммон устига, яъни сув сиртига қўнади.

Унинг яна ажойиблиги шундаки, оғир юк кўтарувчи самолётлардан 45 фоиз кўп ва оғир юк ортиш мумкин. Узунлиги 100 метрни ташкил этади. Французлар бундай «учар кемани» Америка, Япония ва МДҲ давлатларидаги самолётсозлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ниятидалар.

## ЙЎЛОВЧИЛАР ЗЕРИКИШМАЙДИ

Англиядаги «Плесси» деб номланган электрон компанияси авиайўловчилар учун яна бир қулайлик яратиш ғояси билан чиқдилар. Йўловчилар зерикмасликлари учун ҳар бир ўриндиқ суянчиғининг орқа тарафига компьютер ўрнатиш ғоясини ишлаб чиқдилар.

Ўриндиққа ўтирган йўловчи компьютер орқали ҳоҳлаган маълумотларини олиши, фильм томоша қилиши, ҳатто унинг ёрдамида борадиган еридаги меҳмонхонага жой учун буюртма ҳам бериши мумкин. Керак бўлиб қолганда эса самолётда кета туриб дунёнинг исталган бурчаги билан телефон орқали гаплашиши ҳам мумкин.

## КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН

Германияда яқин йиллар ичида кўзи ожизлар учун қулайлик яратилиб, улар учун пул ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Баҳосини фақат кўзи ожизлар тушуна оладиган бу қоғоз пуллар, кўринишидан оддий пуллардан асло фарқ қилмайди. Аммо уларда кўзга кўринмайдиган, фақат ушлаб сезиш мумкин бўлган алоҳида белги бўлади. Бу кўзи ожиз кишиларга ҳар бир қоғоз пулнинг баҳосини осонгина аниқлаб билиш имкониятини яратади.

*Дилноза ҒИЁСОВА тайёрлади.*

*Фойдали маслаҳатлар*

# КАРТОШКА ВА УНИНГ ХОСИЯТИ

Янги картошкани ҳаммамиз севиб истеъмол қиламиз. Чунки унинг таркибида организм учун энг керакли крахмал мавжуд. Картошканинг озуқали қиммати унинг таркибидаги 75-80 фоиз сув, 14-24 фоиз крахмал, 2 фоиз оқсил, шунингдек, B1, B2, C, PP ва K витаминлари, каротин, қанд моддаси, минерал тузлар, (озуқалик қимматига кўра картошкадаги оқсил гўштдаги оқсилга қараганда камроқ, аммо ўсимлик оқсиллари ичида энг қимматлиси ҳисобланади) борлигидандир.

• Картошкани қайнатиб, қовуриб истеъмол қилиш мумкин. Уни темир ёки мис идишларда пишириш тавсия этилмайди. Чунки C витаминининг кўп қисми йўқолади. У тўғри пиширилса таркибидаги C витаминининг 80 фоизи сақланиб қолади.

• Буғда пиширилган картошкада сувда пиширилгандагига қараганда C витамини икки марта кўп сақланади.

• Қовурилган картошкада эса қайнатиб пиширилгандагига нисбатан C витамини кам бўлади. Шунинг учун азиз муштарий ҳозир айни янги картошкани кўпроқ истеъмол қилиш вақти. Ундан фойдаланаётганингизда юқоридаги ва қуйидаги маслаҳатларга риоя этсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

• Янги картошканинг пўсти (пўчоғи) тез тозалансин десангиз, уни бир ош қошиқ туз эритилган совуқ сувга 10-15 минут солиб қўйинг.

• Картошкани сочиққа ўраб қуритиб, кейин қовурсангиз, мазали ва карсиллайдиган бўлади.

• Картошка котлетига озгина сода қўшилса, котлет қавариб юмшоқ бўлади.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА тўплаган.*

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Қуйидаги кафедралари бўйича **«География ва экология»** профессор (1), доцент (4), катта ўқитувчи (3), **«Банк иши»** профессор (1), доцент (7), катта ўқитувчи (10), ассистент (7), **«Менежмент ва ҳуқуқ»** профессор (1), доцент (6), катта ўқитувчи (1), ассистент (1), **«Макроиқтисодиёт»** доцент (3), катта ўқитувчи (3), **«Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш»** доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (1), **«Умумиқтисодий назария»** профессор (1), доцент (9), катта ўқитувчи (2) лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар ва малакали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 34-66-58.

РЕКТОРАТ

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!**

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти маданий ҳордиқ, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш борасида турли мавсумий тадбирлар уюштириш ҳамда ўтказиш учун «Сайилгоҳ» истироҳат ҳудудидан ижарага жой олиш учун танлов эълон қилади.**

**Буюртмалар 1999 йил 15 июнгача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 133-21-68.**


*Балки ўша мудҳиш воқеа содир бўлмаганида бу мақола ёзилмасди. Эндигина 40 баҳорни кўрган яқин кишимизнинг вафоти ва бу кўнгилсиз ҳодиса тафсилоти мени узоқ ўйлантириб қўйди. Бу ўлимга сабаб ўйламасдан гапирадиган бир ноқобил ҳазилкашнинг бетайин ҳазили бўлди.*

*Турмуш чорраҳаларида*

# ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ-ЗИЛ

Аҳмаджон Сотволди билан тасодифан аэропортда учрашиб қолди. Курсдошлар бирбири билан қучоқлаша кетдилар.

— Аҳмаджонмисан, бормисан? Қалай, бола-чақа, қозон-товоқ дегандек,тинчми ҳаммаси?

— Раҳмат. Ўзинг яхшимисан, ишларинг қалай?

— Қалай эмас, олтин. Оббо сен-ей отдек семириб кетганингни қара-я. Сенга ёқибди. Институтда чўпдек қилтириқ эдинг.

— Кўришганимиз жуда яхши бўлди. Уйга бориб бир отамлашамиз, — деди Аҳмаджон. — Сафардан келяпман. Болаларни роса соғиндим. Шу баҳона хоним ҳам бизни қуюқ кутиб олса керак.

— Хоним-понимингни қўй. Уйга бориш бўлса қочмас. Ҳозирча бирор ошхонага кириб суҳбатлаша қолайлик. Қаршига учишим керак. Бир соат вақтим бор. Таклифим маъқулми, айиқполвон?

Сотволди ўз ҳазилидан ўзи ҳузур қилиб шарақлаб кулди.

— Ошхона бўлса ошхонада, — деди Аҳмаджон, дўстининг бемаъни кулгусидан хижолат бўлиб.

Ширакайф курсдошлар таом устида энг яқин дўстларидан баъзиларини эслашди.

— Каримни ҳеч кўрасанми, борми? — сўради Аҳмаджон.

— Типратиконни айтаяпсанми?

Институтда ўқиб юрган чоғларида Сотволди кўринган кишига лақаб қўйгувчи эди. Ўша одати ҳали ҳам қолмабди.

— У-ку бор-а, лекин укки ўлди.

— Уккинг ким? — сўради Аҳмаджон ҳаяжонланиб.

— Ҳали ҳам ўша-ўша паришонхотирсан-а. Наҳот калта бўй (ғўппа семиз, жиққа мой), жавдар кўз Алижонни билмасанг, қойил-э, қарсак чалиб кулди Сотволди.

Аҳмаджон ўрнидан туриб кетди.

— Қачон ўлди?

— Ҳаяжонланма, ўтир. Куни кеча кўмиб келдик. Парво қилма. Сени йигирмасига олиб бораман.

Аҳмаджоннинг кўзларига ёш қалқиди. Сотволди яна хиринглади.

— Нодон, — деди Аҳмаджон мунғайиб, — бир дўстимиз ўлса сен нега куласан?

— Вой тавба-ей, наҳот ишонган бўлсанг. Туяни кўрсанг отам дейдиган бўпсанда. Ҳазил оғайни, ҳазил. Ўша укки бўладиган бўлса ҳали-бери ўлмайди.

Аҳмаджон қотиб қолди. Бу қанақа ҳазил? Наҳот тирик одамни ўлдига чиқариш ҳазил бўлса. У тарқоқ хаёлларини йиғиб улгурмай Сотволди сайрай кетди.

— Уни-буни қўй. Севара борку, ҳалиги чикка бел.

Аҳмаджон нима дейишини билмай қолди. Унинг Севара билан турмуш қурганини ҳали Сотволди билмасди. Уни тўйига таклиф этилмаганининг ҳам сабаби бор. Чунки Сотволди ўша вақтларда курсдоши Севарага «Сени севаман» деб кўп осилганди. Лекин қизнинг Аҳмаджонга мойиллигини сезиб, ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Севара туфайли Аҳмаджон билан бир неча бор ёқа бўғишганди. Лўлилик билан мақсадига етолмагач орқаворотдан қизнинг шаънига бўлмағур туҳмат тошларини отиб юрди. Шунинг учун ҳам Севара шу курсдошини ёқтирмасди. Ўшанда Аҳмаджон Сотволди ҳақида гапирганда Севара: «Қўйинг, тўйимиз ўша бузуқсиз ўтса ўтар» деганди. Бунинг устига Сотволди бошқа шаҳарда яшайди. Орада ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Шунинг учун ҳам Сотволди Аҳмаджон билан Севаранинг бундан 10 йил олдин турмуш қурганидан бехабар эди.

— Сенга гапиряпман, ҳов, галварс.

Сотволдининг гапидан сергак тортган Аҳмаджон дўстининг оғзига тикилди.

— Ўша Севарани машина босиб кетибди.

— Нима, қачон?

Аҳмаджон тошдек қотиб қолди.

— Ўтган куни. Мен шунга келувдим. Бечорани кеча чиқардик. Хохолаб кулди Сотволди.

Аҳмаджон аламидан унинг юзига тарсакилаб юборди. Сотволди «Ҳазилга шунақа жавобми, номард» дея ҳезланиб ўрнидан турди. Аҳмаджонга кўтарилган мушти ҳавода муаллақ қолди. Чунки бу вақтда Аҳмаджон юрагини чангаллаб қолганди. Бир зумда ошхонада қийчув кўтарилди. «Тез ёрдам» беморни касалхонага олиб кетди. Лекин Аҳмаджон шифохонага етиб боролмай йўлда тўсатдан бошланган юрак хуружи туфайли оламдан кўз юмди.

Қадимгилар: «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деб бежиз айтишмаган. Сотволдининг бемаъни ҳазили тинч, осуда хонадонни остин-устун қилиб юборди.

Кейинги вақтларда онда-сонда бўлса ҳам мана шундай «ҳазилкашлар» учраб қоладиган бўлди. Улар баъзан, сизга яхши таниш бўлган одамнинг номини айтиб «Кеча фалончиникида кўринмадинг», деб қўйишади. Сиз гап нима устида бораётганлигини билмай «Тинчликми», деб сўрайсиз. Улар тўсатдан: «Ие, эшитмадингми, кеча фалончи ўлди-ю», деган сўзларни айтишади. Бу сўзнинг ҳазиллигини билгунингизча қанча азият чекасиз, юрак ўйноғи бўласиз. Бу билан ўша ҳазилкашнинг иши йўқ. Яна у ўз ҳазили сизга қандай таъсир этаётганлигини жилмайиб кузатиб туради. Сизни обдон «эзиб» бўлгач, кейин ҳеч нарса бўлмагандек: «Тағин уникига бориб юрма, тентак, ҳазиллашдим», деб кулиб қўяди. Ахир бу қанақа ҳазил, бориб турган нодонлик-ку.

Яна бир тоифа ҳазилкашлар бор. Улар фақат сизни камситишдан завқланишади. Ўша дононинг (кўпинча улар ўзларини билимдон санашади) сўз ўйинидан сўнг бир неча кун дилингиз ранжиб юради. Буниси ҳам ҳолва. Баъзи ҳазилкашлар сизни шарманда қилишдан роҳатланишади.

Кечки пайт ресторанга тўртбеш тенгқурлар келишди. Уларнинг қалтис ҳазиллари, бўларбўлмасга қаҳ-қаҳ отиб кулишлари ўтирганлар кайфиятини бузиб, ҳамманинг диққатини тортди.

Қўлига қадаҳ ушлаб сўз айтишга турган йигитнинг ёнидаги шериги унга сездирмай тагидаги стулни четга суриб қўйди. Йигит узундан-узоқ сўз айтиб ўрнига ўтирмоқчи бўлганида бирдан орқасига йиқилди. Даврадагилар унга ёрдам бериш ўрнига баравар қийқириб кулишди. Тавба, бу қанақа дўстлигу, қанақа ҳазил?

Ҳазилдан келиб чиққан мана бу воқеанинг ниҳояси бироз хунукроқ. 30—35 ёшлар чамасидаги бир тўда йигитлар тўйдан қайтишарди. Шунда улардан бири ёнидаги шеригига сўз қотди:

— Кабир, кеча келинни бир жойда кўриб қолдим.

Кабир ҳайрон бўлиб унга тикилди. Бошқалар ҳам ушбу сўзни эшитиб жимиб қолишди.

— Хотинимни айтаяпсанми? Қаерда кўрдинг?

— «Панорама» кинотеатри олдида, бир киши билан ҳиринглашиб турган экан.

Кўпчилик олдида изза бўлган йигит тутоқиб кетди. Ҳазилкашнинг ёқасидан олди.

— Номард. Ҳозир уйга борамиз. Хотиним билан юзлашасан. Бўйнига қўйиб бермасанг, жиғингни эзиб ташлайман.

Йигит Кабирни қўлидан чиқиш учун бир неча бор уриниб кўрди. Бироқ ёқасини бўшатолмади.

— Жинни, қўйвор, ҳазиллашдим, — деди бўғилиб. — Лекин Кабир бу «ҳазилни» ҳазм қилолмади. Қулочкашлаб йигитнинг чаккасига туширди. Бўлди тўполон.

Хазилкаш йигит касалхонада ҳушига келди. Ким билсин, у шунда иккинчи бор бундай беъмани ҳазил қилмасликка аҳд қилгандир. Лекин Кабирнинг хотинига нисбатан юрагида кир қолди.

Орамизда қўл ҳазилини севувчилар ҳам йўқ эмас. Улар йўл-йўлакай ёки тўй-маъракаларда тўсатдан ёнидаги ҳамроҳига куч ишлатиб қоладилар. (Албатта ўша ҳамроҳи ўзидан ожизлигига ишонч ҳосил қилса). Бировнинг юзига бир тарсаки уриб ҳазил дейиш ёки тўсатдан орқасидан келиб тушириб қолиш, чалиб йиқитиш каби кераксиз қилиқларни ҳазилга йўйиш бемаънилик. Бу ҳазилнинг ҳеч қанақа турига тўғри келмайди. Бундай ҳазилнинг охири бир куни кўнгилсиз воқеа билан тугайди.

Биз бу билан мутлақо ҳазил қилманг, демоқчи эмасмиз. Ҳазил-мутойиба туфайли пайдо бўлган юмордан тўйиб-тўйиб кулганга нима етсин! Бироқ қачон, қаерда, нима билан ҳазиллашишни билиш керак. Ҳазил, беозор юмор ҳақида кулги дарғалари жуда кўплаб ибратли сўзларни айтишган. Албатта бундай ҳазил ҳар бир инсон учун сув билан ҳаводек зарур.

Бироқ демоқчимизки, ҳазил беғубор бўлсин. Ундан икки томон ҳам завқланиб кулсин. У даврадагилар ўртасидаги хорғинликни йўқотиб, инсонлар кайфиятини кўтариб юборсин.

Мақсуд Шайхзода айтганидек: «Ҳамиша яшасин гул, яшасин беғубор кулги».

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*





**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.***



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0357. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6